
Афғончилар учрашди

15 февраль собиқ совет аскарларининг афғон ҳудудидан олиб чиқиб кетилганига 31 йил тўлди. Шу муносабат билан куни кеча Бувайда Маданият ва дам олиш марказида ана шу сана нишонланди. Тадбирда 250 нафарга яқин Афғонистон республикасида хизмат қилиб қайтган собиқ аскарлар, ҳамда хизмат даврида вафот этган ўғлонларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Туман ҳокими Беҳзоджон Ибрагимов байрам тадбирига ташриф буюриб, ватан, тинчлик учун азиз жонини қалқон қилган собиқ аскарларни қизғин табриклади ҳамда уларга совғалар тарқатди. Туман Маданият бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барча йиғилганларнинг кайфиятини кўтарди.

Маълумот учун: Туманимизнинг 500 нафар ўғлонлари ўз йигитлик бурчларини Афғонистон республикасида ўтаганлар. Улардан 11 нафари афғон урушида ҳалок бўлганлар.

2020-02-19 15:56:03